

Кузатишлар ёзма манбаларда амир Муҳаммад Тарағай исми: *Тарағай баҳодир, Тўрағай, Тўрағай, Тўрағай, Тарағайбек, Амир Тарағай, Тўрағай Баҳодур* шаклларида қайд этилишини кўрсатди. Юқорида бу сўзнинг маъноларига доир мулоҳазалар билан ҳам танишиб чиқдик. Улар орасидан бу сўзнинг бош, бошлиқ, Поён Равшанов таъкидлаган турақол, яшайқол маъноларини аңлатиши эътиборимизни тортди.

Иш жараёнида М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлардан ҳам *тарағай* сўзи маъносини ахтардик.

«Девону луғотит турк»да *тура* лексемаси учради. У қалқон маъносини аңлатиши ёзилган. *Тура қалқан* – душмандан сақланиш учун ёпинчик ўрнида қўлланадиган қалқон, сипар. *Тора* (ингичка о устида икки нуктаси билан) – тўр, уйнинг тўри, юқориси. Бу сўз *тор* шаклида ҳам қўлланади [19:240].

Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатда *тура* лексемасининг тўрт маъноси қайд этилган. Биринчи маъноси: *тура* – хон авлодига мансуб киши, хонзода: *Тура барча қўллоб ила банду баст, Камин айлабон кейинда аҳли шаст* (Садди Нисқандарий). Иккинчи маъноси: *тура* – одам бўйи баравар келадиган қалқон; қадимги урушларда ишлатилган тўсик: *Миср отлиг мулозимларга буюрган эрмишларки, чопар ва тура учун эшиклар йиғиштургай* (Насойим ул-муҳаббат). Учинчи маъноси: *тура* – қоида, қонун, интизом, одат: *Тура бирла бош уруб тут хонга, Сарқутни бер мени бесоманга* (Хазойинул маоний). Тўртинчи маъноси: *тура* – ўрамоқ, ихота қилмоқ: ... *Бу умматда аларнинг қамоли суварий ва истикмоли*

маънавийлари жоме нияти била тўрамамиш бўлғай (Насойим ул-муҳаббат) [20:269-270].

М.Кошғарий луғатидаги *тура қалқан* – душмандан сақланиш учун ёпинчик ўрнида қўлланадиган қалқон; Алишер Навоий асарларидаги *тура* – хон авлодига мансуб киши, хонзода маъноларини аңлатишини ҳисобга олсак, Амир Темур отасининг исми Тўрағай бўлиб чиқади. Бу антропоним ТУРА сўзидан ясалган. Бошқа луғатларда ҳам *тура* – юқори табақага мансуб кишини аңлатиши кўрсатилган. Бу сўз ҳурмат юзасидан кишилар номи, унвони, мансабига қўшиб айтилган. Ҳозирги ўзбек номшунослигида Тўра атоқли отидан Тўрамурод, Тўракул, Тўраҳон, Тўра Тўраевич каби номлар пайдо бўлган. Бу исмлар ота-оналар томонидан фарзандларига муносиб ном сифатида қўйилапти. Соҳибқирон отасининг исми ҳам худди улар каби Тўрағай бўлгани бошқа талқинлардан кўра, ҳақиқатга анча яқинлашади. Демак, *тура* – исм, ғай – от ясовчи қўшимча. Қарчиғай, қарағай, қапчиғай ва улар каби бошқа бир қанча отлар ҳам Тўрағай сингари ясалган.

Шундай қилиб, Амир Темур отасининг исми Тўрағай ва Тўрағайга алоқаси йўқ, у ТУРАҒАЙдир. Уни Тўрағай Баҳодир десак, тўғрироқ бўлади. Балки бу борада ҳали бошқа мулоҳазалар ҳам билдирилар. Бизда тадқиқот жараёни хануз давом этаёттир. Исмларни халқ яратади. Ҳар бир исмда шу халқ тафаккури, тарихи, урф-одатлари ва анъаналари акс этиб туради. Исмлар ўзлгимизни осонроқ ва тезроқ аңлашимизга беминнат кўмак беради.

Адабиётлар

- 1 Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
- 2 Амир Темур – Ҳазратимиз, гуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
- 3 Ҳусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидagi антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент: 2014.
- 4 Ҳусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. Наврўз, 2014.
- 5 Дадабоев Х. Амир Темур даврдошлари. Тошкент: Навоий университети, 2018.
- 6 Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвостатистикаси: Филол. фан. фалс. докт. ... дисс. Тошкент, 2017. Ўша муаллиф. Ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014, 5-сон, 75-79-бетлар; Ономастик терминологияси масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 6-сон, 16-21-бетлар
- 7 Д. Худойберганаева, Д. Анданиёзова. “Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Турон замин зиё, 2016.
- 8 Жабборов Х. Тарағайми, Тўрағайми? // Ёш куч, 1993, 1-2-сонлар, 22-бет; Тарағай топоними // Тил ва адабиёт таълими, 2019, 9-сон, 28-бет.
- 9 Шодмонова Н. “Темур тузуқлари”да номлар ва атамалар// Ўзбек тили ва адабиёти. 2011, 5-сон, 85-87-бетлар.
- 10 Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Форс тилидан эски ўзбек тилига Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов, Х. Бобобеков. Тошкент: “Шарк”, 1997. –Б.12.
- 11 Пиримқул Қодиоров. Амир Темур сиймоси. Тошкент: Ўзбекистон. 2007, 9-бет.
- 12 Салоҳиддин Тошқандий. Темурнома (Амир Темур Кўрагон жангномаси). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат муаллифи П.Равшанов. Тошкент: “Чўлпон”, 1990.
- 13 П.Равшанов “Амир Темур сулоласи”. Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
- 14 Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
- 15 Муҳаммадҷонон А. Темур ва Темурийлар салтанати. Тошкент: Комуслар Бош таҳририяти, 1996, 7-бет..
- 16 Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. Тошкент: Мухаррир, 2009, .240-241-бетлар.
- 17 YKt.ru сайти.
- 18 М. Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик, 3-томлик: 3-том. –Тошкент: Фан, 1963, 240-бет.
- 19 Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 3-том. –Тошкент: Фан, 1984, 269-270-бетлар.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Темурийлар даври тарихига оид манбаларда соҳибқирон отаси исмининг қўлланиши, исмининг семантикаси, исмининг турли шаклларида қўлланиши ҳақида сўз боради. Соҳибқирон отасининг исми тарихий ва лисоний манбалар асосида Тўрағай ҳам, Тарағай ҳам эмас, Муҳаммад Тўрағай эканлиги асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе разных источников исследуется история периода Тимуридов использование имени отца сахибкيرانа, её семантики использование имени. В разных формах опираясь на исторические и лингвистические источники, автор статьи доказывает, что имя отца сахибкيرانа было не Тургай и Тарагай, а Мухаммед Турагай.

SUMMARY

The article deals with the research of history of Temurid's period the usage of Conqueror father's name, semantic features and various forms of the name Taking into account historical and linguistic sources, the author of the article proves that the Conqueror father's name wasn't Turgay or Taragay but Muhammad Turagay.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

О.Жамолдинова – педагогика фанлари доктори, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: узлуксиз тарбия концепцияси, ахборот хавфсизлиги, ахборот муҳити, ахборот маҳсулот, ахборот олиш кафолатлари, бола ҳуқуқлари, давлат ва нодавлат таълим муассасалари.

Ключевые слова: концепция непрерывного воспитания, информационная безопасность, информационная среда, информационная продукция, гарантия на получение информации, права ребенка, государственные и негосударственные учреждения.

Key words: conception of continuous education, information security, information environment, informational product, guarantees for receiving information, rights of the child, governmental and non- governmental institutions.

Дунё шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги тинчлигига раҳна солиш, ёшлар, айникса, болалар кунда ахборот воситаларидан жамият ривож ва соғлигига зиён етказиш, уларнинг онги ва

дунёкарашига салбий таъсир кўрсатиш, миллий ва умуминсоний кадриятлардан узоқлаштириш, иродасини заифлаштириш каби ғаразли мақсадларда фойдаланиш барчани ташвишга солмоқда. Шу боис, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёкарашни шакллантириш масаласи **2019 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги №1059-сон қарори билан тасдиқланган** Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди [3].

Ўрганишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқаро ташкилотлар ва ривожланган хорижий давлатлар томонидан ҳуқуқий жамиятнинг шакллантириш жараёнида ёшлар маънавияти ва келажагини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган авлодни уларнинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий ривожланишига зиён келтирувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш масалаларига қонун доирасида эътибор қаратилади. Уларда асосан:

болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборот маҳсулотларини аниқ таснифлаш ва шундай ахборотларнинг турли ёшдаги болалар учун категорияларига мувофиқ маркалаш;

оммавий ахборот воситалари, интернет ва бошқа ахборот манбаларида тарқатилаётган ахборотлар мазмунининг болаларнинг ёшларига мувофиқ эмаслиги ва қай даражада мазмунан зарарли эканлигини белгилувчи органларни ташкил этиш;

болаларга мўлжалланмаган ахборот маҳсулотларининг тарқатиш вақтини аниқ чегаралаш;

болаларнинг жамоат жойларида бўлган вақтларида содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш (болаларнинг маъмурий ҳимояси); болаларни ва уларнинг ота-оналарини мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидлардан хабардор қилиш, хавф-хатар ва таҳдидларга жавобан кўриши лозим бўлган чораларни ўргатиш (болаларни ҳимоя қилишнинг маърифий чоралари); болаларни хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш чораларини тартибга солиш (болаларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш) кабилар назарда тутилади.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ бола ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига қўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади. Шунингдек, конвенцияда омавий ахборот воситаларининг болаларнинг ахборот олишдаги ўта муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда, “оммавий ахборот воситаларининг муҳим мавқеини эътироф этиш билан бирга боланинг турли хил миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотларидан ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек, боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш зарурлиги қайд этилади” [2].

Сўнгги йилларда миллий қонунчиликда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида юқорида қайд этилган халқаро талабларнинг эътиборга олинаётганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир [4]. Мазкур қонуннинг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад болалар

соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш, ҳар қандай ривожланган жамият ва ҳуқуқий давлат учун зарур бўлган болаларнинг жисмоний, маънавий ва ахборот хавфсизлигининг қонуний белгиланган қафолатлари комплексини яратиш назарда тутилади. Айниқса, мамлакатнинг маънавий-ахлоқий ва демографик хавфсизлигини таъминлаш, бола ҳуқуқларини, оилани ҳимоя қилиш соҳасида давлатнинг обрў-эътиборини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Болалар соғлиғига, яъни уларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлик ҳолатига зарар етказувчи ахборот бу болалар ўртасида тарқатилиши «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулотидир.

Мамлакатимизда болаларни ўз ҳаёти ва саломатлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этиш, жумладан, соғлиғига зарар етказиш, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган ахборотларни тарқатиш тақиқланади. Болаларда наркотик воситалар, психотроп моддалар ёки уларнинг акл-ирода фаолиятига салбий таъсир етгучи бошқа моддалар, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, дарбадарлик, тиланчилик ёки бошқа кўринишдаги ноижтимоий ҳаракатлар билан шўғулланиш истагини пайдо қиладиган ахборотларга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди. Қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши натижасида:

биринчидан, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш қафолатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди;

иккинчидан, болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиғига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва (ёки) тақиқлаш имкони яратилди;

учинчидан, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жисмоний ва юридик шахслар фаолияти қўллаб-қувватлаш механизми яратилди;

тўртинчидан, болаларга йўналтирилган ахборот муҳити мазмунини тизимли баҳолашга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мезонлари, механизмлари ва методикаси яратилди ва ривожлантирилди, болалар ахборот хавфсизлигини таъминловчи техник ва дастурий-аппарат воситалар жорий этилди.

Эътибор қаратиш зарур бўлган муҳим жиҳатлардан бири шундаки, мамлакатимизда илк бор болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборот маҳсулотларини таснифлаш ва шундай ахборотларнинг турли ёшдаги болалар учун категорияларига мувофиқ тоифалар асосларининг аниқланишга эришилди. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилди. Унга қўра ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи уни болаларнинг қуйидаги ёш тоифаларидан бирига киритиш йўли билан амалга оширилишига қўйиладиган талаб ахборот тарқатувчиларнинг зиммасига масъулият юклади. Чунки маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишда унинг мавзуси, жанри, мазмуни ва бадий безаги, муайян ёш

тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотнинг идрок этилиш хусусиятлари, ундаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли баҳоланади. Бугунги кунда ахборот маҳсулотининг қуйидаги ёшга оид таснифи амалиётга татбиқ этилди:

етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «0+» ёзувини акс эттиради);

етти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «7+» ёзувини акс эттиради);

ўн икки ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «12+» ёзувини акс эттиради);

ўн олти ёшга тўлган болалар зарар етказувчи ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «16+» ёзувини акс эттиради);

болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «18+» ёзувини акс эттиради).

Таъкидлаш жоизки, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда аҳамиятли жиҳати шундаки, таълим муассасалари болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи асосий орган ҳисобланади. Шу боис, умумий ўрта таълим мактаблари олдида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш вазифаси туради. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга қаратилган дастурлар ва услубларни ишлаб чиқиш ҳамда таълим муассасаларининг фаолиятига жорий этишда, таълим, ўқув-тарбия муассасаларида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда замонавий таълим ва тарбия технологияларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Таълим соҳасида замонавий ахборот технологияларининг қўлланилиши ва уларнинг самарадорлигини ўрганиш борасидаги таҳлиллар шунни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус доирасида халқ таълими тизимида таълим муассасаларини юқори тезликдаги Интернет билан таъминлаш бўйича “Йўл харита” ишлаб чиқилиб, умумий ўрта таълим мактабларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш; “Мактаб таълим жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган дастурий тизими – xt.uzedu.uz” ва [OPENEMIS \(emis.uzedu.uz\)](http://OPENEMIS(emis.uzedu.uz)) ахборот тизимидан умумтаълим муассасаларининг ўқув ва бошқарув жараёнини автоматлаштиришда самарали фойдаланиш; ижтимоий тармоқлар орқали фуқаролар ҳамда халқ таълими тизими ходимлари мурожаатлари, шикоят ва тақлифларини онлайн тарзда тезкор қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш имкониятини берувчи “Устоз овози” интерактив хизмати ovoz.uzedu.uz жорий этиш; синов тариқасида ўқувчилар учун зарур дарслик ва қўлланмаларни QR код орқали юклаб олиш

Адабиётлар

1. Бола ҳуқуқлари мониторинги. Ўқув-услубий қўлланма. / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2011, 134-б.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам). -Т.: “Адолат”, 2004, 220-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1059-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2017, №37-сон, 976-модда.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонундан келиб чиқиб, ўқувчиларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишда умумтаълим мактаблари олдида турган долзарб вазифалар ёритилган.

ҳамда электрон ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш; тизимидаги мавжуд 892 номдаги электрон ахборот-таълим ресурслар: видео ва аудиодарслар, интерактив ва анимацияли виртуал лаборатория ишлари ҳамда дарс ишланмалари, мультимедияли иловалар, тестлар, таълимий ўйинлар ва бошқа қўшимча таълим ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилган. Умумтаълим мактабларида фойдаланилаётган дарслик ва методик қўлланмаларнинг барчаси www.eduportal.uz ахборот-таълим порталига амалдаги 7 тилда тўла матнда жойлаштирилган. Шунингдек, ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланиш, илғор халқаро ва чет эл таълим дастурлари асосида миллий онлайн ресурсини яратиш назарда тутилади.

Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясида белгиланишича, ўзлуксиз маънавий тарбия давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари, таълим соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширувчи илмий-педагогик муассасалар ҳамда давлат бошқаруви органлари, жамоатчилик ташкилотлари, маҳалла ва оила институтлари орқали жорий этилади. Шу боис, умумий ўрта таълим мактабларида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда:

болаларнинг таълим олиш, билим орттириш ва мулоқот фаолияти жараёнида болаларга психологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда мактаб амалиётчиси томонидан психология фанининг замонавий ютуқларидан самарали фойдаланиш механизмининг жорий этиш;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида яқка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда таълим муассасаларининг ички ишлар органлари, маҳалла, оила, шунингдек фуқаролик жамиятнинг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда йўлга қўйиш;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятни ташкил этишда синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлаш;

таълим муассасаларида болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олмаган ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлашда ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар фаолиятини ривожлантириш орқали зарур шарт-шароитларни яратиш;

таълим муассасаларида ўқувчиларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилишга қаратилган замонавий тарбия технологияларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш каби долзарб масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

В статье отражены важнейшие задачи общеобразовательных учреждений в области защиты детей от информации, наносящей вред их здоровью исходящие из закона Республики Узбекистан «О защите детей от информации, наносящей вред их здоровью»

SUMMARY

The article highlights the most important problems of public education to protect students from information that harms their health, this issue is the main aim of the law of the Republic of Uzbekistan "About protecting children from detrimental to their health information".

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ ЙЎЛИ
Х.С.Жуманазаров - тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
ЎЗР ФА Тарих институти

Таянч сўзлар: табиб, халқ табобати, эмпирик билим, синикчи, аттор, кўз шифокори (каххол), ЖССТ.

Ключевые слова: знахарь, народная медицина, эмпирические знание, костоправ, аттар, глазной лекарь (каххол), ВОЗ.

Key words: quack, folk medicine, empiric science, attar, eyes doctors' (kahhol), WHO.

Халқ табобатига доир анъаналар инсоният тарихи билан ҳамоҳанг бўлиб, жамиятнинг тараққий этиши ва инсонларнинг амалий фаолияти соғлиқни сақлаш соҳасига доир билимларнинг шаклланишига хизмат қилган. Халқ табобати билимларининг турфа хиллиги ҳамда табобат соҳаларининг ранг-баранглиги маҳаллий аҳолининг машғулоти тури ҳудуднинг табиий шароити ҳамда ҳудудга хос флора ва фауна дунёсининг бойлигига қараб туркумланиб борган. Дунё халқларида доривор ҳам ашё сифатида ўсимлик, хайвонлар ва минераллар ишлатилсада, тайёрлаши ва маҳаллий ўсимлик турлари ҳисобига фарқли томонлари кўзга ташланади. Даволаш жараёнининг методикаси, даво турларининг ўзига хослиги ҳамда айрим соҳага доир маҳаллий атамаларнинг кенг тарқалиши ҳисобига табобат анъаналарининг этноҳудудий хусусиятлари юзага келган.

Ўзбекларнинг табобат анъаналари ҳам бошқа халқларнинг тиббий анъаналарига мос равишда бир оила ёки қариндошлар орасида отадан, баъзи ҳолларда онадан болага оғзаки тарзда ўтиб келган [3:6]. Хонликлар даврида табобатга давлат томонидан алоҳида эътибор берилиши натижасида, тиббий анъаналар илмий жиҳатдан исботланиб, соҳага доир дарсликлар, илмий китоблар ва рисоалар яратилди. Абу Бакр ар Розий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, Боситхон Шоший ва бошқаларнинг асарларида [4,5,6,10,12] Шарқ табобати, жумладан ўзбек халқ табобатига хос дориворларнинг турларга ажратиши, табиб шахси ва касбига оид билимлар ҳамда халқ томонидан табобатда фойдаланиладиган турли ўлчовларга доир маълумотлар берилган.

XX асрнинг 20-йилларига қадар ўлкамизда табиблар кенг фаолият юритиб, соғлиқни сақлаш соҳасида асосий мутахассис ҳисобланишган. Чор Россияси bosқинидан сўнг замонавий тиббиёт масканлари ҳам ташкил қилинган ва ҳар икки соҳа вакилларининг фаолияти юзага келган бўлса, Собик Иттифок даврида маҳаллий ўлкаларда замонавий тиббиёт ютуқларини жорий қилиш масаласига катта эътибор қаратилди. Тиббиётнинг табобат билан ўзаро рақобатида ҳукумат томонидан тиббиёт муассасаларини давомли қўллаб-қувватланиши ўз натижасини берди ва халқ табобатига путур етди. ЎзССР халқ комиссарлар кенгаши ва марказий ижроия қўмита томонидан 1926 - йилда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш ҳодимларининг касбий фаолияти ва ҳуқуқлари”га доир қонун [14:71] қабул қилиниши оқибатида табиблар ҳамда даволаш билан шуғулланаётган, лекин тиббий дипломга эга бўлмаганлар таъкибга олиниб, 1926-1937 йиллар оралиғида катағонга учради [9]. Шунингдек, тиббий китобларнинг аксарияти йўқ қилинган. Лекин, табобат анъаналари табобатдан хабардор айрим кишиларда яширин равишда сақланиб, улар ўзларини табиб сифатида эълон қилмасдан фаолият олиб боришган. Аммо мунтазам фаолият юритувчи табобат мактабларининг йўқлиги, малакали табибларнинг камлиги, соҳага оид китобларнинг етишмаслиги,

борларини ҳам ўқиш имконининг йўқлиги¹ халқ табобатининг таназзулига сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларида халқ табобатини тиклаш, табиблар фаолиятини тартибга солиш, табобат анъаналари билан тиббиёт ютуқларини ўзаро уйғунлаштириш борасида самарали ишларни ташкил қилиш долзарб масалага айланди. Табобат анъаналарининг узоқ йиллар давомида расман таъқиққа учраши, кейинчалик соҳада етарли билим ва малакага эга бўлмаган саводсиз табибларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шундай бўлсада, тиббий билимга эга малакали табибларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва уларни уюштириш борасида мақсадли ишлар мустақилликнинг илк йилларидаёқ йўлга қўйилган. Жумладан, 1988-1990 йилларда Наманган шаҳрида таникли табиб Мухиддин Умаров бошчилигида “Шарқ табобати” маркази [13:50] ташкил қилинган. Марказ бугунги кунга қадар фаолият юритмоқда ҳамда ходимлар ҳасталикларни табиий воситалар ва халқ табобати усуллари билан даволашга ихтисослашган. Республикада табиблар фаолиятини тартибга солиш, табобат анъаналарини тиклаш ва тарғиб этиш билан 1996 йилда ташкил қилинган Халқ табобати академияси шуғулланади. Академия аъзо табиблар малакасини ошириш, қадимий табобат усулларини тиклаш билан бир қаторда, бошқа табобат мактаблари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳаракатни кенгрок ёритиш мақсадида академия тасарруфида 2000 йилдан бошлаб “Шарқ табобати” [17:4] журнали узлуксиз нашр қилинмоқда.

Тиббий билимларнинг турфа хиллиги ҳамда касаллик турларининг хусусиятларига қараб табиблар ҳам соҳалар бўйича туркумланади. Умуман олганда, жаҳон этнология фанида халқ табобати билан шуғулланувчиларни иккита катта гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: “анаъанавий табиблар” ҳамда “руҳий таъсир орқали даволовчи табиблар” [11:6] ёки “маънавий табиблар” (шомон, бахши), “тана ҳасталиклари табиблари”, фолбинлар [1:17], бошқача айтганда “шифобахш гиёҳлар билан даволовчилар” (эмпирик билимга асосланган табиблар), “илохий, ғайритабиий кучлар асосида даволовчилар” [2:2] кабилардир. Халқимиз орасида фаолият юритаётган табибларнинг даволаш усуллари ҳамда воситаларига таяниб, иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: мистик табобат ва эмпирик табобат вакиллари.

Мистик табобат билан шуғулланувчилар, асосан, беморларнинг руҳий оламига таъсир қилиш натижасида, сўзлар орқали касални шифо топишига ишонтириш орқали даволайди. Мистик табибларнинг ҳам ҳар бири алоҳида усул ва касбий атрибутларга эга. Улар халқ орасида даволаш усулларига қараб: *бахши, фолбин, азаимхон, садқоччи, мулла, дуохон, парихон* ва х.к. каби номлар билан аталади [8:48-52].

¹ Ҳукумат томонидан 1929 йилда (лотин ёзувида) ва 1939 йилда (кирилл ёзувида ўтилиши) амалга оширилган ёзув ислохоти натижасида вақт ўтиши билан аҳолининг аксар қисми араб алифбоси ҳамда эски ўзбек ёзувида битилган манбаларни ўқиш имкониятини йўқотди.